Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 МАРТ ШАНБА № 50 (798).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

## Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича миллий кенгаши президенти, Франция тадбиркорлари миллий кенгаши вице-президенти Филип Жискар д' Эстен бошчилигидаги ишбилармонларни қабул қилди

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ тасвири. (ЎзА).

**Мамлакатимиз раҳбари Франция билан Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг йирик режалари ишлаб чиқилаётгани, нефтни қайта ишлаш, қурилиш, банк ишлари соҳасида ҳамкорлик қилишнинг истиқболлари хусусида сўзлади.**

— Ўзбек ишбилармонларининг француз ҳамкасблари билан яқин муносабатларни йўлга қўйишга иштиёқи баланд, — деди Ислом Каримов. — Биз Франция Президенти Франсуа Миттеран жаноблари юртимизга сафари арафасидаги сизнинг ташрифингизни юқори баҳолаймиз.

Ф. Жискар д'Эстен Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга сафаридан сўнг французларнинг Ислом Каримов қўллаётган сиёсатга нисбатан муносабатида катта ижобий ўзгаришлар юз берганини таъкидлади.

— Ўзбекистон танлаган омилкор иқтисодий ислоҳот йўли, албатта, муваффақият гаровидир, — деди меҳмон.

Қабул маросимида Франция билан ҳамкорлик масалалари бўйича муассасаларо комиссия мутассаддилари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, К. Тўлаганов ва республика миллий банки раиси Р. Азимов қатнашди.

Маросимда, шунингдек, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## Ийди рамазон муборак бўлсин!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Азиз ватандошлар, мўъмин мусулмонлар!

Юртимиз фуқароларини, барча мусулмонларни муқаддас Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз.

Бу кун беҳад шарофатли ва саодатли бир айёмдир. Инсонни руҳий камолот ва адолатга, поклик ва меҳр-оқибатга, маънавий юксакликка мушарраф этгувчи муборак Рамазон ҳайитини ҳаммамиз бир бўлиб — муборак истиқлол шароитида ва юртимизнинг комил раҳбарияти бошчилигида умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонламоқдамизки, бунинг учун Тангри таолога чексиз шукроналар айтмоғимиз фарз.

Оллоҳ таолонинг буюк иноятн ила қадим аждодларимиз тафаккури ислом нури билан мунаввар бўлган эди. Донишманд ва заҳматкаш халқимиз бу муборак илоҳий таълимотни ҳар томонлама ўрганибгина қолмай, унинг ривожи ва тараққиётига оламшумул ҳисса ҳам қўшди. Имом Бухорий, имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингари улуғ руҳоний боболаримизнинг номлари бутун мусулмон дунёсида, жаҳон маданий оламида машҳур, азиз ва мукаррамдир.

Ана шундай зоти шарифларнинг маънавий ворислари бўлмиш биз — Ўзбекистоннинг бугунги халқи шу боис ҳам Рамазон ҳайитини алоҳида ифтихор ва шоду хуррамлик билан байрам қилишга ҳақлидирмиз. Бу байрам, аввало, одамизот қалбидаги иймон, меҳр-муҳаббат, мурувват, шафқат ва ҳамият каби эзгу ва ноёб инсоний туйғуларнинг беқиёс бир намоёнди эканлиги билан ҳам эътиборга молик.

Биз барчамиз баҳамжиҳат бўлиб, Ватанимиз — севикли Ўзбекистонда тинчлик, дўстлик, одамийлик, миллатлар тенглиги ва иноқлиги, катталарга иззат, кичикларга шафқат устивор бўлган жамият барпо этишга бел боғлаганмиз. Турмушимизни ҳар жиҳатдан кўркам ва нурафшон этишда, ёш наслимизни ҳалол ва меҳнатсевар, фозил ва ватанпарвар инсонлар қилиб камол топтиришда, иймон заволи бўлган жаҳолат ва бидъатни, кибру ҳавою нафс балосини енгиб ўтишда дин аҳлининг, оқил уламоларнинг доно ўгитлари, илму ҳикматга йўғрилган тарбиятлари айниқса бемисл аҳамият касб этади. Зеро, динимиз ҳар бир инсонни бу дунёда фақат савобли амаллар қилишга ва шу тариқа охират дунёсини обод этишга ўргатади.

Қадрли биродарлар! Муҳтарам юртдошлар!

Қутлуғ Рамазон кунларида ўтганлар руҳини ёдга олиш, уларнинг яхши фазилатларини хотирлаш халқимизнинг эзгу одатидир. Барча ўтган инсонларнинг охиратлари обод, иймонлари саломат бўлсин, қолган бандаларни Оллоҳ таоло ёрлақасин.

Юртимизда тинчлик-тотувлик, хонадонларимизда бахту саодат, файзу баракот доимо барқарор бўлсин!

**Муфтий Ҳожи Мухторхон АБДУЛЛОҲ ўғли.**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 18 февралдаги мажлисида қишлоқда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни такомиллаштириш, чорвачилик ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиб бериш вазифасини қўйди.

Хўш, Сурхондарё вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят фаолларининг йиғилиши ана шу масалага бағишланди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Раҳмоновнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида деҳқончилик ҳамда чорвачиликдаги ишлар атрофлича таҳлил этилди, ислоҳотни кенгайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш, деҳқончилик самарадорлигини ошириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

(ЎзА).

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Республикамизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши парламент ассамблеяси делегацияси аъзолари 11 март куни Ўзбекистон Олий Кенгашида бўлдилар. Меҳмонлар халқаро ишлар қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев, саноат, қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг раиси Ф. Нажмиддинов, марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов билан учрашдилар.

Суҳбат чоғида парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БАҲОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил баҳорининг илк кунлари — 2—3 мартда расмий давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлганди. Ушбу ташриф ҳақидаги мулоҳазалар билан газетамизнинг 2-бетида танишасиз.**

## ШАҲАР БИЛАН ҚИШЛОҚ ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 февралда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида баён қилинган хулосалар асосида шаҳар меҳнаткашлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Шаҳар ҳокими А. Фозилбеков шу ҳақда маруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар шаҳар билан қишлоқ ўртасида чинакам ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, деҳқонларга яқиндан ёрдам бериш, шаҳардаги машинасозлик корхоналарида деҳқон (фермер) хўжаликлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш зарурлиги ҳақида гапирди. Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида «Тошкентширкатбозорсавдо»га қарашли дўконларда мева-сабзавот савдосини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган улгуржи харид базалари ва омборлар қуриш кераклиги таъкидланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

## ТАЛАБЧАНЛИК МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Жиззах вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 18 февралдаги йиғилишида ўртага қўйган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Соатов шу ҳақда маруза қилди.

Сўзга чиққанлар вилоятдаги 850 дан кўпроқ фермер хўжалиги ўтган йили 445 тонна гўшт, 2830 тонна сут, 20 тонна жун, 791 дона қорақўл тери, 1,5 минг тонна картошка ва сабзавот етиштиргани, қўшма корхоналар 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 17 миллиард сўмлик маиший хизмат кўрсатганини таъкидлаш билан бирга, кўпгина ҳолларда деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамон турли тўсиқларга дуч келаётгани, уларга ёрдам кўрсатишда сансалорликка йўл қўйилаётгани ҳақида гапирди. Йиғилишда барча жабҳа раҳбарлари масъулиятини ошириш, етук кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда талабчанлик етишмаётгани айтилди. Зеро, талабчанлик масъулиятни оширади.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

## ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ ТЕЗРОҚ БАРТАРАФ ЭТАЙЛИК

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ИСМОИЛ ЖЎРАБЕКОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли биродарлар!

Сизларга маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликда ислоҳотларни кенг қулоч ёздириш ва деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида катта нутқ сўзлади. Биз бу ерда ана шу нутқда баён этилган фикр-мулоҳазалар ва улардан келиб чиқадиган хулосалар асосида пойтахт—Тошкент шаҳри меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг ўша мажлисида халқ хўжалиги учун энг муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда ечимини топмай турган муаммолар, баъзи бир тўсиқларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди. Хусусан, нарх белгилаш тизимини такомиллаштирилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барча турлари бўйича эркин (шартномавий) нархларга ўтилгани айтилди. Биз ҳаммамиз давлат буюртмаси ҳажмини камайтириш масалалари изчил ҳал этилаётгани, маҳсулотларни сотишда хўжаликларнинг ҳуқуқ ва мустақилликлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қарорларда меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида хўжаликларда давлат томонидан белгиланадиган буюртмалар (давлат буюртмалари) бекор қилингани кўрсатилди. Фақат пахта, дон, чорва моллари, парранда ва сутгина давлат буюртмаси белгиланади.

Бир сўз билан айтганда, бундай янгилик ҳеч қачон бўлган эмас. Қишлоқ хўжалигининг янгилик ва равнақ топиши учун мустаҳкам негиз яратилди. Эндиликда деҳқонларимиз ўз меҳнати самарасидан тўлароқ манфаатдор бўлади, деб айта оламиз.

Бугун бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг ана шу мажлисида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш борасида шаҳар меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг ўша мажлисида халқ хўжалиги учун энг муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда ечимини топмай турган муаммолар, баъзи бир тўсиқларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди. Хусусан, нарх белгилаш тизимини такомиллаштирилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барча турлари бўйича эркин (шартномавий) нархларга ўтилгани айтилди. Биз ҳаммамиз давлат буюртмаси ҳажмини камайтириш масалалари изчил ҳал этилаётгани, маҳсулотларни сотишда хўжаликларнинг ҳуқуқ ва мустақилликлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қарорларда меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида хўжалик-

(Давоми 3-бетда).

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш тузилди. Аввал хабар қилиганиндек, 10 март куни Тошкентда ана шу кенгашнинг дастлабки мажлиси бўлди. Унда вазирлик, идора, уюшма, концерн ва ташкилотларнинг вакиллари, Ўзбекистон халқ нойблари, фермерлар, тадбиркорлар, ёш олим ва мутахассислар иштирок этди.**

Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда мазкур кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётгани, мулкни хусусийлаштиришнинг давлат дастури, йирик ва ўртача корхоналарни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва воситалари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосарлари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, молия вазири Б. Ҳамидов, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен ана шу масалалар юзасидан ахборот берди.

— Мазкур кенгашнинг вазифаси иқтисодий ислоҳот жараёнини бошқаришни такомиллаштириш, хорижий мутахассислар «инқилобий» деб баҳолаётган фармон ва қарорларни бажариш йўлидаги тўсиқларни тезроқ бартараф қилиш, чет эл сармоясини республика иқтисодига дадил жалб этишга эришмоқдир, — деди Президент Ислом Каримов. — Биз қуришга киришган ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлмиш беш асосий тамойилнинг бири — бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдан иборатдир. Ҳозир республикада бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш таъмин этилаётир. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, фуқароларо тотувлик одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатяпти. Иқтисодиётни яхши йўлга қўйиш биринчи навбатда халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига ўтилаётганда, — деб сўзида давом этди Президент, — бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига бутунлай барҳам берилиши керак. Бусиз кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Минг афсуски, ҳали бу борада анча иш қилиш, кўпгина тўсиқларни бартараф этишга тўғри келади.

Мулкни давлат тасаррафидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадал боряётгани, бунинг ҳуқуқий асослари яратилгани яхши самара берди. Кейинги вақтда республикамизда минглаб давлат иншоотлари мулкчиликнинг бошқа шакларига айлантирилди, давлат ва идораларга қарашли уй-жой фондини хусусийлаштириш тугалланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мулкни хусусийлаштириш тараққиётнинг энг тўғри йўли ҳисобланади. Ундан ортга қайтиш йўқ.

Президент тадбиркорларга, айниқса, маҳсулот етиштирувчи деҳқон-фермерларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш, уларни зарур машина ва ускуналар билан таъминлаш, керак бўлса, имтиёзли кредитлар ажратиш, бу йўлдаги турли-туман ғовларни тагтомири билан бартараф этиш тўғрисида куюнчаклик билан гапирди.

— Иқтисодиётимиз, унинг эртанги куни тўғрисида ҳаммамиз ўйлашимиз, жон куйдиришимиз лозим. Иқтисодиётни моҳирлик билан бошқариб бориш зарур. Унга эскича йўл билан таъсир ўтказиб бўлмайди. Ахир, бусиз мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, уни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш мумкин эмас, — деди Президент.

Шундан сўнг Ислом Каримов ўзимизда тайёрланган хом ашёни саноатда қайта ишлаш, бу борада хорижий мамлакатларнинг технологиясини кенг қўллаш, ундан самарали фойдаланиш зарурлигига алоҳида тўхталди.

— Пахта бизнинг беқиёс бойлигимиз, — деди Президент. — Бас, шундай экан, қимматли хом ашёни ўзимизда қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқ керак. Ҳар бир жамоа, туман, вилоят раҳбари пешона тери билан етиштирилган пахтадан иложи борича кўпроқ даромад олишга интилмоғи даркор. Нима учун Америка ўз пахтасини қайта ишлайди-ю, биз бу ишни уддалай олмаймиз? Пахтамиз ўзимизникими, уни ўзимиз қайта ишлашимиз керак. Тўғри, бу иш осонликча амалга оширилмайди. Лекин пахтамиз жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаши шарт.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодга хорижий сармояларни жалб этиш манфаатли йўлдир. Бундай имкониятдан самарали фойдаланиш керак.

Шундан кейин юртбошимиз мамлакат истиқболи ҳақида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ўтказилаётган сиёсат тўғрисида гапирди.

— Ҳар бир ишга иқтисодий нуқтаи назар билан ёндашиш лозим, — деди Президент. — Ўзбекистон нефть маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида 1996 йил ярмига бориб жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши керак. Бу — жуда мураккаб, айни замонда шарафли вазифа. Ана шу вазифани қандай амалга оширамиз? Афсуски, бу масалани ҳозирча ҳеч ким ўйламаяпти. Ахир, Ўзбекистон — катта давлат, унинг имкониятлари ҳам улкан. Бизнинг вазифамиз ана шу мавжуд имкониятларни вақтида ишга солишдан иборат.

Бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш, айниқса мутахассис кадрларга, уларда янгича дунёқарашни шакллантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ, — деди сўнгра Президент. — Агар биз етук мутахассисларга эга бўлмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Буни мен сизларга бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда айтяпман. Ҳозир бизда бозор иқтисодиёти масаласини яхши тушунадиган мутахассислар етарли эмас. Бозор шароитида иқтисодиётни ҳар томонлама тушуниб, бемалол ишлай оладиган, келажакка интилувчи мутахассисларни биз қаердан топишимиз мумкин? Улар йўқ эмас, — бор, албатта. Фақат бундай кишиларни излашимиз, уларнинг ақл заковати, имкониятидан фойдаланишимиз керак. Агар биз шундай одамларни топиб, жойжойига қўйсак, ишончим комилки, улар юртимиз учун кўплаб чет эл сармояларини етказиб беради. Бундай одамлар Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари, фидойилари бўлади.

Мажлисда ёшлар тарбиясига эътибор жалб этилди. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштирувчи муайян тизим ишлаб чиқиш кераклиги айтилди.

Шундан сўнг давлатимиз бошлиғи ер участкалари, уларни хусусийлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Ерга эгалик ҳуқуқини узил-кесил ҳал қилиш керак, — деди Президент. — Ерни сотиб олган одам унинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Шундай экан, у ўз ерининг умрбод хўжайини бўлади. Буни у дилдан ҳис этиши керак. Ер эгасининг розилигисиз унинг мулкини тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш даркор.

Президент мажлисда бозор муносабатларини шакллантиришнинг дастлабки куртаклари — банклар, суғурта компаниялари фаолияти, шунингдек, кредит, нархнаво каби муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталди.

Ислом Каримов республика Марказий банки, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банклари иш услубида расмиятчилик, ортиқча ҳужжатбозлик, айниқса тўрачилик ва таъмагирлик ҳоллари мавжудлигини кескин танқид қилди.

— Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотнинг янги даврига қадам қўйди. Бу босқичнинг асосий жиҳатлари нималардан иборат? — деди Президент. — Илгари кўпроқ бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан шуғулланган бўлсак, энди амалий ишга ўтиш пайти келди. Унинг асосини эса давлат мулкини чинакам маънода хусусийлаштириш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, яна бир муҳим жиҳати — чет эл сармоясини кўпроқ жалб қилиш ва ундан унумли фойдаланиш ташкил этади. Мана шу учта вазифани муваффақиятли амалга ошира олсак, ишга ташаббускорлик билан ёндашсак, бу йўлдаги тўсиқлардан тезроқ қутулсак, Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлида яна бир залворли қадам ташлаган бўламиз.

Мажлисда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Президент девонининг назорат инспекцияси раҳбари М. Мирқосимов қатнашди.

ЎзА.

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БАҲОРИ

## Ўзбекистон Президентининг Россияга расмий давлат ташрифи хусусида мулоҳазалар

**2 март куни эрталаб кўксига «Ўзбекистон» сўзлари битилган улкан ҳаво лайнери Москвадаги Внуково халқаро аэропортига қўнган заҳотиёқ илюминаторлардан мўралаганларнинг юраклари ширин бир туйғудан энтикиб кетди: аэропорт биноси узра бизнинг байроқ ҳам ҳилпирар, норғул аскарлар тизилиб туришарди.**



Орадан бир неча дақиқалар ўтгач, Кремль фахрий қоровуллари ротасининг бошлиғи Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга рапорт берди.

Қалбларимиз яна фахрга тўлади: шаҳарнинг марказий кўчаларидаги, Кремлдаги қатор бинолар пештоқлари ҳам байроғимиз билан безалган. Георгий залида делегациямизнинг расмий аъзолари, Россия раҳбарлари саф тортишади... Қарама-қарши томондаги икки улкан эшик очиладида, Ислом Каримов билан Борис Ельцин гилам поёндоз бўйлаб бир-бирига яқинлаша бошлайди ва ҳар иккала мамлакат байроқлари ўрнатилган жойда илиқ саломлашишади. Сўнг Ўзбекистон ва Россия гимнлари янграйди.

Президентлар улар учун ажратилган алоҳида хонага ўтишиб, қарийб бир ярим соат давомида яккама-якка суҳбат қуришади. Кейин расмий делегация аъзолари билан музокара бўлиб ўтади. Сўнг Каримов ва Ельцин Катта Кремль саройининг Владимир залида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳужжатларга имзо чекишади. Бу ерда нафақат Россия, балки жаҳондаги қатор етакчи матбуот нашрлари, радио ҳамда телевидение мухбирлари тўпланишган бўлиб, улар, айниқса, Ислом Каримовга шу қадар қизиқиш билан саволлар беришадики...

Тушдан кейин ўзбекистонликлар Россия ҳукумати жойлашган бино — ўша машҳур «Оқ уй»га боришади. Бу ерда олдинига Ислом Каримов билан Россия Бош вазири Виктор Черномирдин юзма-юз суҳбатлашишгач, делегация аъзолари музокаралар олиб боришади. Сўнг Президентимиз ва Россия ҳукумати бошлиғи, шунингдек қатор вазирлар бир неча шартномаларни имзолашди.

Кечқурун Кремлда Ельцин, унинг рафиқаси Каримов ва рафиқаси, делегациямизнинг расмий аъзолари шарафига зиёфат уюштиришади.

3 март куни юртбошимиз Кремль ёнидаги Александр боғидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйгач, Кремлда Борис Ельцин билан хайрлашди, сўнг Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида Москва жамоатчилиги вакиллари билан учрашди.

Ташрифнинг қисқача сюжети, асосан, ана шулардан иборат бўлди. Аммо унинг моҳияти ва аҳамияти шу қадар кенг ва чуқурки, уларни охиригача англаш учун анча вақт керак. Биз эса ушбу мақолада ўзимизнинг дастлабки кузатувларимизни баҳоли қудрат ҳикоя қилишга уриниб кўрамиз.

Жаҳондаги кўплаб газеталар, радиостанциялар ташрифнинг кутиб олиш ва кузатиш жараёнига алоҳида урғу беришяпти. Тўғри, бу жуда катта воқеа бўлди. Аммо аслини олганда ҳар бир суверен давлат бошлиғини ана шундай юксак даражада кутиб олиш табиий ҳол ҳисобланади. Боз устига, Ислом Каримовга кўпгина мамлакатларда бундан-да зиёд илтифот кўрсатишганига кўп марта гувоҳ бўлганмиз.

Лекин... Москвадаги кутиш-кузатиш жараёни нафақат жаҳон матбуот воситалари ходимлари, ташрифни телевизор орқали томоша қилишган миллионлаб ҳамюртларимиз, балки юртбошимизнинг ўзини ҳам бир қадар ҳаяжонга солди. Нега? Бунинг сабаби эса ниҳоятда оддий: Москва бир неча ўн йиллар давомида собиқ Иттифоқдаги барча республикаларга «Ватан пойтахти» бўлиб, ҳар биримиз учун «бахт қуёши» ҳисобланар, унга сажда қилиш қон-қонимизга сингдирилганди. Раҳбарларимиз бу шаҳарга одатда ё Кремлдан янги йўл-йўриқ олгани, ёки республикамиз эҳтиёжи учун нималарнидир ундириш мақсадида боришарди. Кейин, уларни дакки бериш учун ҳам тез-тез чақиртириб туришарди.

Тўғри, бугун бошқа замон, «дарёлар тескари оқа бошлаяпти». Ёки бошқача қилиб айтганда, энди мустақил экамиз, суверенликнинг жами қонун-қоидалари бизга ҳам бевосита тегишлидир. Аммо... шуни очиқ айтиш керакки, қарийб бир ярим аср давомида онгларга сингдирилган ақидалар бир-икки йилда батамом якун топа олади дейсизми? Ҳукмронлик туйғусидан бирданига халос бўлиш эса, айниқса, мушкул. Ахир илгари пойингга поёндоз тўшаб юрганлар бир ухлаб туриб, ҳеч кутилмаганда сендан тенгликни талаб қилса... буни дабдурустдан ҳазм қилиш осон деб ўйлайсизми...

Мустақилликнинг шу икки йиллик даврида Россия билан муносабатимиз турлича кечди. Турли даражадаги ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бошлиқларининг қатор ташрифлари бўлиб ўтди. Аммо Москвадаги айрим раҳбарлар баъзан бизга, юқорида баён қилинган ўша тушунча боис, ўз хоҳиш-иродасини ўтказишга уринди, гоҳо беписандлик билан қаради. Аммо Президентимиз ҳар гал ҳам ўз фикру қарорида маҳкам турди, чекинмади. Масалан, икки фуқаролик хусусидаги таклиф. Юртбошимиз: «Ҳар инсоннинг фақат биттагина ватани бўлади ва у мудом ана шу ватанга содиқ қолиши керак!» дея қатъий туриб, ушбу бемаъни таклифни пучга чиқарди.

Ҳар бир суверен давлатнинг ўз байроғи, мадҳияси, герби билан бир қаторда миллий валютаси ҳам бўлиши шарт. Лекин миллий пулга ўтиш учун, албатта, барча объектив шарт-шароитлар етилиши лозим, йўқса, бундай тадбирнинг амалга оширилиши қош қўйиш ўрнига кўз чиқаришга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ таркибидаги ҳозирги мустақил давлатларда миллий валютани бевақт жорий этиш бошқа қитъалардаги истиқлолга эришган мамлакатларга нисбатан ўн чандон мураккаб вазиятлар туғдириши ойнадай равшан эди. Чунки СССР шундай устамонлик билан тузилгандики, мабодо у таркаб кетгудек бўлса, бир-бирига минглаб ришталар орқали боғланган турли республикалардаги юз минглаб корхоналар, хўжаликлар... иши тўхтаб қолиши аввал бошданоқ режалаштирилган.

Шу боис Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарияти маълум муддат давомида рубль ҳудудида қолиш истагини билдиришди. Россия ҳукумати розилик билдирди ҳам, бу хусусда тегишли ҳужжатлар имзоланди. Аммо янги — 1993 йилги пулга ўтиб олган Москва ҳеч бир кутилмаганда ғалати шарт қўйди: «Майли, биз эски рубларингизни алмаштириб берамиз, аммо илк алмашув учун Ўзбекистон бизга қирқ тонна (?!) тилла тўласин». Унинг тағин бир шарти шундай эди: «Бизнинг пулимизга ўтадиган бўлсаларинг, Ўзбекистон Марказий банки бизнинг Марказий банкка бевосита бўйсуниши керак...». Федоров деган арбобнинг «таклифи» эса ҳаммасидан ҳам ошиб тушди: «Қайси республика валютамизни қўллайдиган бўлса, марҳамат қилиб, ариза ёзсин-да, Россияга қўшилсин» (?!)

Лекин шунга қарамай, Каримов ҳам, Назарбоев ҳам Россия раҳбарияти билан ушбу мавзу юзасидан анча музокара олиб боришди. Уларнинг «Ахир ўз пулимизга ўтсак, нафақат бизга, сизларнинг иқтисодингизгаям путур етади-ку!» дейишлари ҳам кор қилмади. Шундан сўнг бу икки давлат миллий валютани жорий қилишга мажбур бўлди.

Ва Каримов билан Назарбоевнинг башоратлари «ўз кучини» кўрсатди: неча ўн йиллардан бери изчиллик билан давом этиб келаётган барча иқтисодий алоқаларга катта зиён-заҳмат етказилди. Натижада инфляция миқдори кескин ўсди, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми пасайди. Ишсизлик авж олди. Бунинг оқибати, айниқса, Россияда кўзга яққол ташланди. Дейлик, унинг комбайн (Ростов), трактор учун моторлар (Владимир), тракторлар учун шиналар (Ярославл) ишлаб чиқарувчи заводларининг иши деярли тўхтаб қолди. Марказий Осиё ва, асосан, Ўзбекистон учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ушбу корхоналарнинг маҳсулоти пул ўтказилмаётганлиги боис, мутлақо сотилмай, омборларда қолиб кетди. Тўқимачилик комбинатларининг ҳолинику асти қўяверасиз.

Мотор ва шина келтирилмаётганлиги туфайли Тошкент трактор заводи фаолияти ҳам деярли тўхтади. Ушбу корхонада эса беш мингдан зиёд киши меҳнат қилади.

Шунингдек, пул сиёсатидаги ушбу ғайритабиий вазият Ўзбекистону Қозоғистонда истиқомат қилувчи миллионлаб русларга бир қадар маънавий зарар ҳам етказди. Ўзаро пул алмашуви мураккаблашиб қолиб, улар Россияга жуда катта қийинчиликлар билан бориб келишяпти. Кўплар боролмай, доғда юришибди. Ахир тўй бор, аза бор...

Миллий валютага мажбуран ўтилиши натижасида ҳатто минг йилларидан бери бозори, мозори бир бўлган Марказий Осиё республикалари ҳудудларида юзлаб божхонаю чегара тўсиқлари ўрнатилишига сабаб бўлди. Оқибатда бу ердаги ҳамиша гавжум ҳисобланган умумбозор ниҳоятда сийраклашиб қолди. Яхшиямки, Ислом Каримов ҳамда Нурсултон Назарбоевларнинг ташаббуслари туфайли шу йилнинг бошида бундай ҳолга чек қўйилди. Олдин Тошкентда — Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Сўнг бу шартномага Қирғизистон ҳам қўшилди. Ва шу тариқа ушбу давлатлар орасидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди, 1994 йилнинг 1 февралидан буён эркин бозор иш бошлади. Унинг пештахталаридан истаган буюмингизни харид қилишингиз мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон раҳбарияти юзага келган ҳам табиий, ҳам сунъий қийинчиликларни енгиб ўтиш учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солиб, ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишда бетиним изланди ва изланяпти. Бунда Президентимизнинг шу йил 21 январдаги иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш хусусидаги Фармони ҳамда божхона, солиқ хизматлари бўйича ўтказилган конструктив ташкилий ўзгаришлар, айниқса, катта аҳамият касб этаётир.

Бундан ташқари, сўнгги пайтларда Европа-ю Америкадаги мамлакатлар билан алоқаларимиз тобора авж оляпти. Нафақат Тошкент, вилояту туман марказлари, балки кўплаб қишлоқларда ҳам қатор хорижий давлатлар ҳамкорлигида юзлаб қўшма корхоналар қад кўтармоқда. Республикамиз пойтахтида жаҳондаги энг қудратли банкларнинг бўлимлари фаолият кўрсата бошлади.

Аммо Ўзбекистонга нефть, металл, ёғоч, қоғоз ва кўпгина тайёр маҳсулотлар ҳаводек зарурки, уларни Россиядан олиш биз учун йўл ва транспорт нуқтаи назаридан энг қулай ҳисобланади. Россия эса ўз навбатида бизнинг қатор маҳсулотларимиз, жумладан, пахтамизга ҳам муҳтож.

Ташрифдан кейин айримлар гап тарқатибди: «Мана кўрасизлар, энди яна Россияга тобе бўламиз! Энди яна рус рублига ўтамиз!..» Бу —ғирт ёлғон. Шу йил ёзда Ўзбекистон ўз валютасини жорий қилади.

Энди «тобелик» масаласида.

Агарда шундай ният бўлганида, раҳбариятимиз жонини қийнаб ўтирмай, икки фуқароликниям қабул қиларди, ўша қирқ тонна олтинниям тўлаб, Россия рублларини оларди-қўярдида. Тўғри, юртбошимиз бот-бот шуни таъкидлайдики, «Ўзбекистон ўз келажагини, ўз истиқболини Россия билан дўстликсиз тасаввур этмайди». Эътибор беринг-а: «дўстликсиз!» Ана шу биргина сўз замирида жуда катта, маъно бор, у ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабат фақат ва фақат тенглик, ўзаро ҳурмат асосида бўлишликни англатади.

Ислом Каримов Москвага ташрифи давомида ҳам масаланинг ана шу томонига жуда катта урғу берди. Президентимиз Борис Ельцин билан учрашгандаям, Виктор Черномирдин билан суҳбатлашгандаям қатъийлик билан дедики: «Россия Ўзбекистон билан, бизнинг тарихий ва миллий анъаналаримиз билан ҳам ҳисоблашиши шарт!». Юртбошимиз шуниям очиқ-ойдин қилиб айтдики. «Борди-ю Россия фақат ўз қобиғига ўралиб, «Нима бизга Ўзбекистон! Нима бизга Қозоғистон!» деб юраверса, унинг иши умуман юришмайди. Шуни билингларки, бизнинг бозоримизга Россия келмаса, уни бошқалар, масалан, Ғарб фирмалари эгаллаши аниқ. Яна шуниям билингларки, борди-ю Россия Марказий Осиё бозоридан чиқиб кетса, бошқа ҳеч қачон қайтиб киролмайди!».

Илгари Россия раҳбарияти Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ишлаб чиққан дастурига лоқайд қараб келган бўлса, эндиликда нафақат ўта қизиқиш билан кузатяпти, ҳатто бизнинг айрим тамойилларимизни қўллаяпти. Масалан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги услубимизни. Илгари улар «карахтлик терапияси»га берилиб, ҳатто аҳолининг ғазабига ҳам учраганди. Бундан эса Жириновский сингари кимсалар устамонлик билан фойдаланишди. Боз устига бу ҳол мамлакатда нотинч бир вазиятни юзага келтирди. Агар акси бўлганида, балки ўтган йил 3—4 октябридаги қонли фожиалар юз бермасмиди...

Ҳа, шуниям билишларингни истардикки, Борис Ельцин Кремлда Ислом Каримовга Россиянинг ҳам Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган ягона иқтисодий ҳудудга кириш истаги борлигини айтди.

Юртбошимизнинг халқимиз жуда катта умидлар боғлаган ушбу ташрифи эса кутилганидан ҳам зиёда натижа беришига ишончимиз комил. Буни Кремлда Борис Ельцин айтган қуйидаги гаплар ҳам тасдиқлайди:

— **Биз Президент Ислом Каримов билан қарийб бир ярим соат мобайнида қатор муаммолар, жумладан, икки томонлама муносабатлар, Тожикистон ва чегара билан боғлиқ масалалар, бугунги халқаро вазият хусусида фикр алмашдик. Суҳбат чоғида иқтисодий мавзу алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Россия ва Ўзбекистондаги ўзаро боғлиқ йирик завод ҳамда фабрикалардаги вазиятга катта эътибор берилди. Яширмасдан айтиш керакки, уларнинг аксарияти, қатор сабабларга кўра, тўхтаб қолган. Шу боис биз ҳар иккала мамлакатдаги ана шундай корхоналарнинг фаолиятини жонлантириш, уларни зарур техника, асбоб-ускуналар, хом ашё билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ассоциация ёки корпорациялар тузиш ҳақидаям келишиб олдик».**

Ташриф давомида ҳар иккала мамлакат ўртасида солиқ, молия, божхона бўйича ҳам қатор муаммолар ўртага ташланди. Шунингдек, маданий алоқаларни қайта тиклаш ҳақидаям сўз юритилди.

«Биз Президентингизни қайта кашф этдик. Унинг нафақат катта сиёсатчи ва иқтисодчи, балки теран ва жасур инсонлигига ҳам амин бўлдик», — дейишди элчихонадаги учрашув қатнашчиларидан аксарияти (Ўзбекистон элчихонасида уюштирилган ва бир неча соат давом этган ушбу мулоқотда Россиянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, номлари жаҳонга машҳур санъаткору олимлар, ёзувчилар, энг нуфузли газеталарнинг бош муҳаррирлари, телевидение раҳбарлари иштирок этишди).

Ўша учрашувда юртбошимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ишлар, олдимизда турган муаммо-ю қийинчиликлар хусусида батафсил ҳикоя қилди, кўплаб саволларга жавоб қайтарди, Шунингдек, айрим нашрлар билан «орани очиқ» қилди ҳам.

«Москвадаги баъзи газеталар мени посткоммунист, реакционер, Ўзбекистонга демократия у ёқда турсин, ҳатто унинг эпкинларини ҳам ўтказмаяпти», деб жар солишмоқда. Улар бу фикрни янада «мустаҳкамлаб олиш учун» дейишяптики, Каримов атайлаб фундаментализмнинг хавфини ошириб, ундан гўёки нафақат Марказий Осиё ва ҳатто бизларни ҳам ҳимоя қилиш баҳонасида бошқарув жиловини қўлида маҳкам ушлаб турибди...». Биз ишлаб чиққан беш тамойилда ўтиш даврида давлат ўз ҳукмини асло бўшаштирмаслиги алоҳида таъкидланган. Агар акси бўлса, анархия бошланиб, сиёсат ҳам, маънавият ҳам изидан чиқиб кетиши табиий ҳол. Бунга собиқ Иттифоқнинг қатор мустақил давлатларидаги ҳозирги ва кечаги вазият гувоҳдир. Жумладан, Тожикистондаги. Бу ерда тўрт ой давом этган фуқаролар урушида эллик минг киши нобуд бўлди. У ерда рўй берган ваҳшийликлардан тепа сочингиз тикка туради: одамларнинг қўл-оёқларини кесишган, қонларини ўзларига мажбуран ичиришган, ҳомиладор аёлларни чавақлаб, ҳали туғилмаган чақалоқларни бурдалаб ташлашган. Мана сизларга фундаментализмнинг қиёфаси! У кимнинг фотиҳаси билан бошланувди? «Демократия» остида иш кўришган айрим сиёсатдонларнинг! Республика раҳбарияти агар уларга ўз вақтида зарба берганида бундай фожиа юз бермаслиги аниқ эди.

Мен яна бир нарсадан таажжубдаман: кун тартибингиздан Босния билан Герцеговина тушмай қолди. Аммо нега Тожикистонга етарли эътибор ажратмаяпсизлар? Ким кафолат беради, у ердаги фожиаларнинг қайтарилмаслигига?! Сизлар Шарқни яхши билмайсизлар. Худо кўрсатмасин, борди-ю бизда фанатизм кучга кирса, бундан даҳшати бўлмайди!..».

Россия билан тузилган шартномаларда ҳарбий масалаларга ҳам кенг ўрин ажратилди. Бундан кўзланган мақсад бизга асосан Жанубдан хавф-хатар туғдираётган жуда катта кучларни биргаликда қайтариш...

Учрашувлар тугаб, аэропортга қайтаётганимизда москвалик бир оғайним шундай деб қолди: «Россия боши тошларга урила-урила, ниҳоят, реал ҳаётга қайтаяпти...»

**Анвар ЖУРАБОЕВ.**
**Тошкент—Москва —Тошкент.**

---

# Байрамга икки миллиард сўм-купон ажратдик

### «ЎЗБЕКСАВДО» УЮШМАСИНИНГ РАИСИ МИРАБРОР УСМОНОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида барча вилоят, туман ва шаҳарларда ана шу шодиёнага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган уюшма ва унинг жойлардаги бўлинмалари улуғ айёмни қандай кутиб олмоқчи?**

— «Қорақалпоқсавдо» уюшмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри савдо ҳамда умумий овқатланиш концернлари раҳбарларига байрамга тайёргарлик кўриш бўйича амалий топшириқлар бернлиб, унда меҳмонларга кўрсатиладиган савдо хизмати устидан назорат ўрнатиш юклатилган. Жойлардан олинган маълумотларга кўра, жумҳуриятимизнинг барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида белгиланган тадбирлар рисоладагидек амалга оширилаяпти. Хусусан, бинолар таъмирланмоқда, кўча ва майдончалар ободонлаштирилмоқда, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилаётир. Яқин кунлар ичида бу ишларнинг ҳаммаси ниҳоясига етказилади.

Байрам куни эса асосан жамоатчилик ҳордиқ чиқарадиган маконларда чакана савдо корхоналари томонидан турли хил моллар, ширинликлар, салқин ичимликлару музқаймоқлар билан савдо қилувчи сайёр расталар ташкил этилади. Аниқроқ қилиб айтганда, 60 жойда савдо ярмаркаси очилади, аҳолига 306 та тамаддихона, 230 та кўчма чойхона хизмат кўрсатади, 500 жойда сумалак, ҳалим, палов тайёрланиб, 251 нуқтада қандолат маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилади. Вилоятлар ва туманлардаги дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бошқармаларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда эса ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва маҳалла қўмиталарига шу куни сумалак тайёрлашлари учун етарли миқдорда ун тақсимламоқчимиз. Уларга ўчоқ, қозон, ўтин, кўмир ва бошқа зарур ашёлар ҳам ажратиш кўзда тутилган.

Улуғ айёмда, шунингдек, уруш ва меҳнат ногиронлари, ёлғиз қарияларга алоҳида савдо хизмати уюштирилади. Уларнинг уйларига бепул иссиқ овқат ва истеъмол моллари элтиб берилиб, ҳол-аҳвол сўралади. Оталиққа олинган болалар ва қариялар уйларига эса 2 миллион сўмлик совға-салом улашилади. Бундан ташқари, 200 бош қорамол сўйилиб, кам таъминланган, кўп болали оилаларга текинга гўшт тарқатилади.

Бу тадбирларни рўёбга чиқаришга «Ўзбексавдо» уюшмаси ўз ҳисобидан жами 2 миллиард сўм-купон ажратди.

— **Муштарийларни республика пойтахти — Тошкентда ўтадиган байрам тантаналари ҳам қизиқтиради.**

— Наврўз шодиёналари, асосан, шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги, Хадра майдонларида, А. Навоий театри биноси олдида ва «Сайилгоҳ» кўчасида бўлиб ўтади. Бу жойларда 47 та дўкон, 36 та кўчма савдо шохобчаси ташкил этилади. «Тошкенттаом» концерни ташкилотлари томонидан эса 36 жойда чорпояли чойхона, 47 та буфет, бир вақтнинг ўзида 3000 нафардан зиёд хўрандага хизмат қилувчи тамаддихоналар очилади.

Бундан ташқари, шаҳарнинг 75 гўшасида палов тайёрланади. «Наврўз»нинг бош таоми—ҳалим ва сумалак 72 жойда пиширилади. Дўконлар ва чойхоналарда эса пойтахтимиз меҳмонларидан турли-туман пиширириқлардан тайёрланган ширинликлар, обинонлару патирларни татиб кўриш имконига эга бўладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йўлидан қадам ташлаб, бутун жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига қаратаётган жумҳуриятимизда бу йилги Наврўз янада жозибалироқ ўтишига аминмиз. Ўша куни республикамиз шаҳар ва қишлоқларида халқ сайиллари, шоирлар мушоираси, спорт ўйинлари ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ўтказилади. Китоблар, тасвирий санъат ва халқ амалий санъати асарларининг кўргазмалари, истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилади. Тантаналарда уюшмамизга қарашли барча савдо тармоқларининг ходимлари бор маҳоратларини ишга солиб, меҳмонларга намунали хизмат кўрсатадилар.

**«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ суҳбатлашди.**

## Наврўз эшик қоқмоқда

ЛУҚМА

# НОН БОР-У, БЕНЗИН ЙЎҚ

«Узун» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш корхонасининг ҳар куни 13 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлай олиш қувватига эга бўлган комбинати бор. Бу ердан туманнинг 32 та нуқтасига нон тарқатилади. Дўконлар, боғчалар, шифохоналар нонни ана шу ердан олади. Белгиланган тартибга мувофиқ бу корхонанинг маҳсулот ташишга ихтисослаштирилган машинаси нонни лозим бўлган жойга етказиб бериши керак. Аммо ёнилғи танқислиги таъминотда узилишларни келтириб чиқармоқда.

21 февраль куни бу машина учун 100 литр бензин берилган эди. Нон тарқатиш учун эса у кунига 110 километр йўл босиши керак. Шунинг учун бензин тезда тамом бўлди. 25 февралда ҳайдовчи Носир Маҳмудов идоранинг ишонч қоғозини кўтариб, туман нефть маҳсулотлари идорасига борган эди, тақсимот масалалари билан шуғулланадиган Салима Мелибоева «Қолган бензинни март ойида оласизлар», деди. Носирбой беморларга, болаларга нон етказиб бериш кераклиги ҳақида гапира бошлаган эди, «Бундай сафсаталарни кўп эшитганмиз» деб, масалани узил-кесил ҳал қилди.

— Энди нима қиласизлар? — дедим Носирбойга.

— Бир «Москвич»им бор, шунга ортиб тарқатаман-да.

— Бензинни қаердан топасиз?

— Ҳар литрини ИККИ минг сўмдан оламан, десангиз, кўча тўла бензин.

— Улар бензинни қаердан олишади?

— Нефть базасидан.

— Нега сизларга беришмайди?

— Билмайман...

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Сурхондарё.

# ислоҳот йўлидаги тўсиқларни тезроқ бартараф этайлик

(Давоми. Бошн 1-бетда).

илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар туздилар. Уларда қишлоқ жойларида кичик саноат корхоналарини ташкил этиш, шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш каби ижобий ишлар ўз ифодасини топди.

Умуман олганда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари 1993 йилда кўп кўрсаткичлар бўйича олға томон қадам ташладилар. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини 794 миллиард сўмга етказиб, 1992 йилга нисбатан ўрта ҳисобда 8 фоиз ўсишга эришдилар. Бу корхоналар орасида хусусийлаштирилган корхоналарнинг салмоғи ортиб бормоқда, жумладан ижара йўли билан ишлаётган корхоналар 68 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Ўтган йили шаҳар корхоналари 355 миллиард сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрлаб, ўсиш суръатини 11 фоизга етказдилар. Айниқса енгил саноат моллари ишлаб чиқариш 14 миллиард сўм, озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш 6 миллиард сўм ортиғи билан бажарилди. Кичик корхоналар эса 11,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. Шунингдек, корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Булардан нон маҳсулотларининг янги турлари, чинни идишлар, осма ёритгичлар, оёқ кийимлари, пальтолар, костюмлар, мебеллар, ўйинчоқлар ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Машинасозлик саноати, жумладан, экскаватор, «Тошхимсельмаш», абразив, компрессор, кабель заводларининг маҳсулотлари дунё стандартларига тўғри келмоқда. Корхоналар республика учун керакли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига ўз технологик жараёнларини ўзгартирмоқдалар. Чкалов номидаги авиация заводида кир ювиш машиналари, маиший ва хўжалик электр асбоблари ишлашмасида дазмоллар, «Зенит» ва радио электрон заводларида телевизорлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг кўпчилиги қишлоқ учун керакли техника, асбоб-ускуналарни етказиб бермоқда.

1993 йилда шаҳар қурилиш ташкилотларида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди, қурувчилар 137 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштирди. Аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида 605 минг квадрат метр уй-жой, 2354 ўринли мактаблар, 280 ўринли болалар боғчалари, 24 та дўкон, 15 та новвойхона, 25 та ошхона қурилиб ишга туширилди.

Шаҳарнинг тарихий эски ҳудудларида яшовчиларга қулайлик яратишга катта аҳамият берилмоқда, бунга ўтган йилнинг ўзида қилинган газлаштириш (175 километр), ичимлик сув ўтказиш (52 километр), оқар сувлар тармоқлари (88 километр) қурилиш ишлари яққол мисолдир. Шу ҳудудларда телефон алоқасини яхшилаш, ободонлаштириш ишлари ҳам самарали олиб борилмоқда.

Ўтган йили савдо-сотиқ ҳажми ўн баравар ортди. Савдо ташкилотлари хусусийлаштирилганидан сўнг қўшимча маҳсулот олиб келиш ҳисобига дўконлар тўлмоқда. 1993 йилда 58 миллиард сўмлик шундай маҳсулотлар олиб келиб сотилди.

Деҳқон бозорларида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Шаҳарнинг Олой, Чорсу ва бошқа бозорларида замонавий дўконлар, савдо ва майда ҳунармандчилик расталари ишга туширилди.

Ҳурматли дўстлар!

Иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштиришда бошқариш тизимини такомиллаштириш яхши натижалар бериши назарда тутилиб, республика солиқ бошқармаси қўмитага айлантирилди ва божхона қўмитаси тугатилиб, унинг таркибига киритилди. Давлат назорат қўмитаси тугатилди. Бу эса назорат қилиш органлари сонини камайтирди.

Товар ишлаб чиқарувчиларнинг, истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг товар ресурслари бозорда эркин ҳамда тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун зарур тармоқлар мажмуини вужудга келтириш мақсадида «Ўзбекшартномасавдо» акционерлик уюшмаси тугатилиб, улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси таъсис этиш тўғрисида фармон эълон қилинди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошқарув тизими шу тариқа такомиллаштирилиб бориляпти.

Солиқ қўмитаси зиммасига масъулиятли ишлар юклатилди, уларга катта имкониятлар берилди. Бундан кейин солиқ қўмитасининг шаҳар бошқармаси ва бўлимлари ходимлари масъулиятни сезган ҳолда ҳалол, пок, виждонан ишлашлари талаб этилади. Солиқ, бу — давлатимизнинг бюджети, куч-қудрати, хазинаси эканини биронта раҳбар, ишбилармон, қолаверса, ҳар бир шахс ёдидан чиқармаслиги керак.

Шундай бўлса-да, ўтган йили шаҳар солиқ бошқармаси томонидан 7435 та корхона, ташкилот ва муассаса текшириб кўрилганда уларда молиявий интизом бузилгани, айрим даромадлар яшириб келингани аниқланди. Бюджетга 10 миллиард сўм жарима ундириб олинди.

Солиқ системасини тўғри йўлга қўйганимиздагина биз ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишимиз мумкин. Ана шуни тушунмоғимиз ва шаҳарда керакли тарғибот ишларини олиб боришимиз керак. Давлат хазинасига тушиши керак бўлган маблағни яшириб қолувчи, халқ ризқига чанг солувчи ёт кимсаларга шафқатсиз бўлишимиз, ҳалол, эл-юрт учун хизмат қиладиганларга яқиндан ёрдам беришимиз даркор.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ҳозир мураккаб даврда яшаяпмиз. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида турли муаммолар кетмакет пайдо бўлиб, уларни енгиш осон бўлмаяпти. Шу билан бирга аирим вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари орасида расмиятчилик, кўзбўямачилик иллатлари сақланиб қолмоқда, баъзи хўжалик ва корхоналар номларини юзаки ўзгартириб, иш услубини эса эскича давом эттирмоқда.

Вазирликлар, идоралар ва айрим вилоят, туман раҳбарлари хўжаликларга нисбатан маъмурий-буйруқбозлик, қотиб қолган зўравонлик услубларини ишлатишни, ҳар хил ҳисоботлар сўраш, хўжаликларни эски иш услубига тортиш ҳолларини амалда қўллаб келмоқдалар. Бу эса ишлаб чиқариш корхоналарида иш унумдорлиги пасайишига олиб келмоқда, Корхона раҳбарларини мустақил фикрлашдан маҳрум қиляпти, меҳнаткаш ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлардан манфаат кўрмаяпти. Оқибатда ишга бўлган муносабат ўзгармаяпти. Бу ўз-ўзидан жойларда иқтисодий ислоҳотларни тезкорлик билан амалга оширишда тўсиқ бўлиб турибди.

Вилоят ва туманларда хизмат кўрсатиш ташкилотларининг нотўғри иш услуби хўжаликларни, ишлаб чиқариш корхоналарини оғир аҳволга солиб қўймоқда.

Хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўз хизматларини яхшилаш ва кенгайтириш ўрнига корхона ва хўжаликларга ўзларининг ҳар хил шартларини қўймоқдалар, ҳолбуки, бу ишда аҳвол бутунлай тескари бўлиши, яъни хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликларга ўзларининг хизматини таклиф қилиши керак.

Ислоҳотга тўсиқ бўлаётган сабаблардан яна бири бу — бизнинг аввалги қабул қилган қонунларимизнинг заифлиги ва бугунги куннинг талабларига тўла жавоб бермаслиги, шу билан бирга, эски услубда иш олиб борилаётганидир.

Жойлардаги кўплаб раҳбар ходимлар иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичига ўтилганини ҳалигача тўла тушуниб, англаб етгани йўқ.

Ўзбекистон Президенти Фармонларини амалга оширишда жойлардаги раҳбар ходимлар эскича иш услубига амал қилиб, юқори ташкилотлардан ушбу Фармонлар бўйича қўшимча қарор ва тадбирларни кутиб ўтирибдилар. Бу эса ўз навбатида аниқлаб олинган тадбирларнинг бажарилиши охирига етмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Буни Президентимизнинг шу йил 21 январдаги Фармонида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг шошмасдан амалга оширилаётганидан ҳам билса бўлади. Жойларда давлат мулкини хусусийлаштириш сусткашлик билан амалга ошириляпти. Ушбу масалада айрим раҳбар ходимларда қўрқув бор, эски сарқитларнинг таъсири бор, мулк эса эгасини топа олмаяпти.

Иқтисодий ислоҳотни янада самарали ўтказиш омилларидан бири — бу пул сиёсатини оқилона амалга оширишдир. Жойларда банк тизими яхши ишламаяпти, ўз вазифасини бажармаяпти ва шу билан бирга бошқа хизмат кўрсатиш идоралари ҳам аҳолига ўзларининг янги хизмат турларини таклиф қилмаяпти, ишлаб чиқариш корхоналари эса халқ истеъмоли товарларини етарли даражада, ишлаб чиқармаяпти, бунинг оқибатида аҳоли қўлида пул тўпланиб қолмоқда.

Ҳозир бу масалада вақтинчалик қийинчиликларга учраб турибмиз. Ўйлайманки, миллий валютамиз чиқиши билан бу муаммолар бартараф этилади. Шунинг учун ҳам ҳаммамиздан сабр-тоқат, ҳар хил миш-мишларга берилмаслик, иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб олиш йўлларини топиш учун қаттиқ курашмоқ талаб этилади.

Яна бир муҳим масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Шаҳар саноат корхоналари, илмий-текшириш, техника-конструкторлик идоралари олдида янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Бу — деҳқон (фермер)ларнинг янги хусусийлаштирилган шароитда иш юритиши билан боғлиқ бўлган асбоб-ускуналарни яратиб, уларнинг оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш масалаларидир. Шаҳарда бундай олий илмгоҳлар, илмий-текшириш идоралари кўп. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва суғориш иншоотлари билан боғлиқ шундай институт ва идоралардан умидимиз катта.

Ҳозирги муҳим вазифалардан бири — ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, юқори натижаларни қўлга киритиш учун қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлишига эришишдан иборат.

Шаҳар корхоналари қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналарнинг нархини камайтиришга ҳам катта аҳамият беришлари керак.

Муҳим вазифалардан яна бири, бу — шаҳар корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга оширишга қаратилган қарорларни татбиқ этишдир. Бундай хўжаликлар кейинги пайтларда ҳеч кимни қизиқтирмай қўйган, биз ҳаммамиз мана шу масала устида жиддий ўйлаб кўришимиз керак.

Азиз дўстлар!

Ўтган йил якунлари ва шу йилнинг икки ойи натижалари шаҳар халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шаҳар йўловчи транспорти ишидаги нуқсонлар, ободончилик масалаларига эътиборсизлик, хусусан, жуда кўп уйларнинг подвалларини сув босиб кетгани, бозорларда нарх-навонинг тобора кўтарилиб бораётгани ҳақли равишда кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўляпти.

Сизларга маълумки, 2—3 март кунлари Президентимиз Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди. Икки мамлакат давлат делегациялари ўртасида ўзаро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалар бўйича фикр алмашилиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартномалар, декларация ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотларида 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари меҳнат қилади. Шаҳарда кўплаб миллий-маданий марказлар ишлаб турибди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб туришда давлатимизда миллатидан, ирқидан, диний дунёқарашидан қатъий назар барчанинг тенг ҳуқуқлиги асосий қонун — Конституциямизда ўз ифодасини топгани муҳим омил бўлаётир. Ҳар бир қўлидан иш келадиган инсон бугун мамлакатимизнинг келажакда буюк давлат бўлиши йўлида самарали меҳнат қилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончиликни ривожлантириш борасидаги қарорларини амалга оширишда ана шу тенг ҳуқуқлилик асосида иш юритиб, ҳамма миллат урф-одатларини ҳурмат қилиб, йиллар давомида ташкил топган меҳнат ресурсларимизни тўла ишга солишимиз лозим.

Мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда сиз, пойтахт меҳнат аҳлининг салмоқли ўрнингиз бор.

Ўйлайманки, шаҳар ва туман ҳокимлари, корхона ва идораларнинг раҳбарлари бугунги фаоллар йиғилишида қайд қилинган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, иқтисодни барқарорлаштиришга ва республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ана шу улкан ишларни амалга оширишда сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайман.

## Эшитмадим деманглар

**ФИЛ СЕВГИ АЛАМИГА ЧИДОЛМАЙ... ҲИНДИСТОННИНГ Бихар штатидаги Гумла қишлоғи чеккасида пайдо бўлган бу баҳайбат филга аввалига ҳеч ким эътибор бермаганди.**

БИР вақт қарашса, «келгинди» шу хонадонда қўлга ўргатилган Мадхабону лақабли филдан кўз ўзмаётган экан. Уй эгасига бегона филнинг бу «беҳаё»лиги ёқмади ва уни ҳамқишлоқлари кўмагида қувиб юборди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у қайтиб келди ва Мадхабону бойлаб қўйилган занжирни узиб, «қайлиғ»ини ўрмонга бошлаб кетди. Бир ҳафтадан сўнг фил эгаси Мадхабонуни излаб топиб, уйга қайтишга кўндирди. Бироқ «куёв» ҳам айрилиққа узоқ чидолмай, қишлоққа келиб, кўп кулбаларни вайрон қилиб ташлади.

**ЭГАСИНИ УНУТОЛМАЁТГАН СИГИР ОДЕССА вилоятидаги Любашевка қишлоғида жойлашган хўжалик фермасида Калина лақабли сигир пайдо бўлди.**

ЖОНИВОР вақти-вақти билан подани тарк этиб, Иван Грозицкийнинг уйи олдида пайдо бўлар, дарча ёнида узоқ туриб, яна фермага қайтарди. Қишлоқ аҳли бундан ҳайратланмасди, сигирнинг марҳум эгаси шу уйда яшарди.

Бир куни Калина подани тарк этди-ю, қайтиб келмади. Аввалига йўқолиб қолди ёки ўғрилар қўлига тушди, деб ўйлашганди. Бироқ кейинчалик билишса, у қабристонда хотиржам «яшаб» юрган экан. Кундузи шу атрофда ўтлаб «тирикчилик» қилиб, кеч киргач, Иван Григорьевичнинг қабри ёнига келиб ётаркан. Қишлоқдагилар ҳайрон, ахир у собиқ эгасининг қабрини кўрмаган эди-ку, қандай қилиб янглишмай топдийкин?

**КЕРАКСИЗ ПУЛНИНГ ОҒИРЛИГИ... БОР ВОРОНЕЖДАГИ жануби-шарқий темир йўл депоси машиналари бир қоп пул топиб олишди.**

ОЧИБ қарашса, ҳаммаси мингталик, бироқ эски пулдан экан. Афтидан, кимлардир ўз жумҳуриятларида «ўйин»дан чиққан бу пулларни Москвада ўтказмоқчи бўлишгану, аммо уддалай олишмаган. Кўтариб юраверишга ҳеч ким эътиборсизлик, ҳусусан, жуда кўп уйларнинг подвалларини сув босиб кетгани, бозорларда нарх-навонинг тобора кўтарилиб бораётгани ҳақли равишда кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўляпти.

Сизларга маълумки, 2—3 март кунлари Президентимиз Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди. Икки мамлакат давлат делегациялари ўртасида ўзаро муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалар бўйича фикр алмашилиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартномалар, декларация ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотларида 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари меҳнат қилади. Шаҳарда кўплаб миллий-маданий марказлар ишлаб турибди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб туришда давлатимизда миллатидан, ирқидан, диний дунёқарашидан қатъий назар барчанинг тенг ҳуқуқлиги асосий қонун — Конституциямизда ўз ифодасини топгани муҳим омил бўлаётир. Ҳар бир қўлидан иш келадиган инсон бугун мамлакатимизнинг келажакда буюк давлат бўлиши йўлида самарали меҳнат қилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончиликни ривожлантириш борасидаги қарорларини амалга оширишда ана шу тенг ҳуқуқлилик асосида иш юритиб, ҳамма миллат урф-одатларини ҳурмат қилиб, йиллар давомида ташкил топган меҳнат ресурсларимизни тўла ишга солишимиз лозим.

Мавжуд қийинчиликларни бартараф этишда сиз, пойтахт меҳнат аҳлининг салмоқли ўрнингиз бор.

Ўйлайманки, шаҳар ва туман ҳокимлари, корхона ва идораларнинг раҳбарлари бугунги фаоллар йиғилишида қайд қилинган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, иқтисодни барқарорлаштиришга ва республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ана шу улкан ишларни амалга оширишда сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайман.

**ЭҲТИРОС ЧЕГАРАСИ ЧЕГАРАЧИЛАР ЧЕГАРАСИ ЧЕГАРАЧИЛАР ЧЕГАРАСИ ЧЕГАРАЧИЛАР

# ҲАВЗИ КАВСАР

ШАНБА УЧРАШУВИ

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ: ТАЛЪАТ САЙФИДДИНОВ

## ЯПОН ҚИЗИНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ДОИРАЧИ

**— Эсимни тангандан доира санъатига ихлос қўйдим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда унга бўлган шайдолигим шу қадар кучли эди-ки, синфдаги стол ва парталарни чертиб ўтирардим. Ниятимдан воқиф бўлган отам: «Ўғлим, шу чоққача авлодимиздан санъаткор чиқмаган, сенам ўзингни қийнама. Бу ҳавасинг ўткинчи бир ҳолат», дедилар. Аммо мен барибир доирачи бўламан, дея қатъий аҳд қилдим...**

**— Демак, падарингизнинг иродасига қарши борибсизда?**

— Унчаликмас. Кейинчалик мушоҳада қилиб кўрсам, дадам бу гапларни келажагимни ўйлаб айтган эканлар.

Ўткинчи ҳаю ҳавасларга чалғиб, аросатда қолмасин, деган бўлсалар керак-да. Агар раҳматли отам ҳозир ҳаёт бўлганларида, менинг санъатимни кўриб, қувониши турган гап эди. Қолаверса, унинг ўша гапларидан сўнг мен доирачилик санъатига янада кўпроқ берилдим.

Кунлардан бирида опам дадамга билдирмай, менга доира олиб берди. Ўша пайтлари Регистон майдонининг ёнгинасида (Талъат ака Самарқандда туғилиб ўсган) 3-маданият уйи бўлғучи эди Шу ерда биринчи устозим Асом Аҳмаджоновдан доира чалиш сирларини ўргандим. Еттинчи синфни тугатгач, Самарқанд мусиқа билим юртига ўқишга кирдим.

**— «Баҳор» ансамблидаги фаолиятингиз қандай бошланган?**

— Олтмиш иккинчи йили эди. Баҳор ансамбли Самарқандга ташриф буюрди. Мен машҳур доирачи Қаҳрамон Дадаев билан танишиб, мақсадимни айтдим. У киши менга доира чалдириб кўргач, Мукаррама Турғунбоева бошчилигида санъаткорлар уйимизга бир пиёла чой ичиш учун ташриф буюришди. Мукаррама опа отамга юзланиб: «Ўғлингиз билим юртини тугатсин, ўзимизга ишга оламиз», деди. Бу учрашувдан кейин отам роса суюнгандилар. Олтмиш тўртинчи йили ўқишни тугатгач, тўппа-тўғри Тошкентга — «Баҳор»га ишга келдим. Шундан буён ушбу даргоҳда ризқимни териб юрибман.

**— Маълумки, ўзбек рақс санъатининг дунёда шуҳрат топишида «Баҳор» ансамблининг хизматлари катта. Сизлар хорижда жуда кўп гастролларда бўлгансизлар. Айтингчи, ўша сафарлар давомида тили, урф одати бошқа халқлар ўзбек рақсидан, доира оҳангларидан қандай завқ олишини кузатганмисиз?**

— Олтмиш бешинчи йилнинг охирларида бир гуруҳ таниқли санъаткорлар билан Польшага гастролга бордик. Кейинги йили эса ансамбль билан Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Малайзия давлатларида уч ойлик ижодий сафарда бўлдик. Ўшанда 19 ёшда эдим. Ҳамма жойда одамлар бизнинг санъатимизни юксак эҳтиром ва қизиқиш билан қаршилашарди. Мукаррама опа хиром қилганларида ажнабийлар ҳам беихтиёр саҳнага чиқишиб, опага тақлидан ўйинга тушиб кетишарди.

Саккиз йилча бурун Японияда ижодий сафарда бўлганимизда японлар доира оҳангига беихтиёр жўр бўлиб рақсга тушишганининг гувоҳи бўлганман. Ўша сафар кунларидан бирида концерт тугаб, дам олиб турсам, бир япон қизи ёнимга келди-да, назокат билан ўзларининг алифбосида ёзилган бир хат бериб кетди. Тошкентга келгач, хатни япон тили мутахассисига ўқитиб кўрдим, хатда қуйидаги сўзлар битилган экан: **«Сиз ижро этган доира оҳанги менга жуда ёқди. Шу пайтгача бундай мусиқа асбоби борлигидан бехабар эдим. У ҳақда билишни жуда истайман. Доирани чалганингизда, назаримда, Сиз ўзингизни бахтиёр сезасиз. Ансамблингиздаги бошқа артистларни ҳам шундай деб ўйлайман. Сизларга чин қалбдан муваффақият тилайман. Яна бир маротаба катта раҳмат!**

**Япония павильони ходимаси Нарумме».**

**— Нима учундир, шу кунларда «Баҳор»нинг ижодий сафарларга чиқиши бироз камайгандек.**

— Бу борада нима дейиш мумкин... Бозор иқтисоди, маблағ масаласи бизни ҳам қийнаб турибди. Хориж тугул, вилоятларга чиқишга ҳам қўлимиз калталик қилаяпти.

**— Талъат ака, суҳбатимиз давомида Мукаррама Турғунбоевани кўп бор тилга олдингиз. Зеро, ўзбек рақс санъатини юксак чўққиларга кўтарган бу раққосани халқимиз ниҳоятда ҳурмат қилади. Яқинда 80 йиллик юбилейи ҳам кенг нишонланди. У кишининг санъатга бўлган фидойилиги ҳақида нималар дея оласиз?**

— Опанинг вафотидан беш-олти ой илгари Москванинг Чайковский номли концертлар залида катта дастур намойиш қилдик. Концерт бошланиши олдидан опанинг тоби қочиб қолди. «Тез ёрдам» чақирдик. Дўхтир уколь қилиб, бир-иккита дори-дармонлар тавсия этди. Шунда мен Мукаррама опадан бугунча саҳнага чиқмай қўя қолишини илтимос қилдим. Аммо у киши унамади. «Йўқ, болам... Ким билсин, балки, бу ҳаётимдаги энг сўнгги бор рақс ижро этишимдир», дедилар оғир тин олиб. Опа «Тановар»дан бошлаб, беш-олтита рақсни ижро этдилар. Ўзиям, шунақа қойилмақом ўйнадиларки, муҳташам сарой қарсагу қийқириқлардан ларзага келди. Аммо, минг афсуски, Мукаррама опа ўшанда ўз тақдирини башорат қилган эканлар. Ўша кунги чиқиш чиндан ҳам унинг охирги рақси бўлиб қолди...

**— Республикамиздаги доирачилик санъатининг бугунги аҳволи ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.**

— Доирачилик санъатининг оҳанги ниҳоятда ажойиб ва киши қалбининг кўз илғамас қаъларигача кириб боришга қодир. Устозимиз Уста Олим Комилов 1936 йили Тамарахоним билан Англияга борганида инглизларни ўз доираси билан лол қолдирган экан. Ўшанда инглизлар номаълум созда бу қадар қойилмақом куй чалган санъаткорнинг қўлларида қандайдир бир сеҳр бор деб ўйлашган шекилли, у кишининг панжа излари нусхасини гипсга кўчириб олиб қолишибди. Бу бармоқ излари ҳозир Лондондаги Қиролича музейида фахрли экспонат сифатида сақланмоқда.

Энди бевосита саволингизга тўхталадиган бўлсак, бу санъат кун сайин ривожланиб бораётир. Ҳеч бир хонанда йўққи, ижро асносида доирадан фойдаланмасин. Республикамиздаги ансамбларда, тўгаракларда ўнлаб истеъдодли ёшлар бор. Улардан келажакда Уста Олим Комилов, Қаҳрамон Дадаев каби истеъдодли доирачи созандалар етишиб чиқиши, шубҳасиз. Шахсан ўзим ҳам бу йўлни тутган ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, имкон қадар кўмак бериб турибман. Анча-мунча шогирдлар ҳам орттирганман...

**«Халқ сўзи» мухбири Ғафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.**



### УСТА РЎЗИЕВ

**Самарқанддаги мақбараларни, Бухородаги Мир Араб мадрасасини, Хиванинг қадимий қалъаларини заҳк билан томоша қилганда уларнинг нақшин дарвозаларига ҳеч эътибор бергансизми? Ҳар бир нақшда мозий нафаси уфуриб турган, инсоннинг ақлий мўъжизаси бўлмиш бу санъат асари йиллар давомида бир ном билан «Халқ ҳунармандчилиги», дея аталиб келинган. Қадриятларимиз қайта камол топаётган бугунги кунда «Халқ ҳунармандчилиги»нинг энг ноёб турларидан бири ёғоч ўймакорлиги касби ҳам халқимиз орасида ўз қадр-қимматини тикламоқда.**

**Тасвирда сиз билан юзма-юз турган Рўзибой Болтаев ҳам ота-боболаримиз касбини эъзозлаб, ҳалол ризқ топиб, эл тилига тушаётган хоразмлик усталардан.**

Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

### 4 МИЛЛИОН СЎМ ТУРАДИГАН ҚУВУРНИ 550 МИНГ СЎМГА ТУШИРИШЯПТИ

ЎТГАН йили вилоятда 500 километр масофага газ қувурлари тортилиб, шундан 300 километри қорақўлликлар ҳиссасига тўғри келганди. Чунки, улар 3 кило қувурга 1 кило пахтани айирбош қилишмоқда. Натижада бир тонна қувур 550 минг сўмга тушаяпти. Ахир у тўғридан-тўғри сотиб олинса, қарийб 3-4 миллион сўмга тушиши аниқ эди.

Шу йўл билан ўтган йили туманнинг 21 та қишлоғи газлаштирилди ёки 8 мингдан зиёд хонадонга табиий газ келди. Туман маркази аҳолиси эса табиий газ билан юз фоиз таъминланган.

**Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### АРАВА-«ТАКСИ»

Узун ва Сариосиё туманлари ўртасида от-арава қатнови ўз ўзидан йўлга тушиб кетди. Бу йўналишдаги аравани тортиб юрадиган отнинг эгаси нафақахўр Аҳтамбой Ҳайитовдир. Аҳтамбой ака икки туман маркази ўртасида ҳар куни тўрт марта қатнайди. Кира пули такси нархининг ярмига баробар. Арпа билан бедадан ортган сўмкупонларга бинойидек тирикчилик ўтказиш мумкин. Энг муҳими — ДАН ходимлари Аҳтамбойни ҳозирча бирон марта ҳам тўхтатганлари йўқ.

**Р. ТОЖИДДИН.**

## «Тез ёрдам»га—120 миллион сўм

ҚУВА тумани ҳокимлиги «Тез тиббий ёрдам» хизматининг янги биноси қурилишига 120 миллион сўм сарфлади. Тиббий муассаса замонавий жарроҳлик воситаси билан жиҳозланган. Бўлимда доялик, муолажа, реанимация, болалар касалликлари бўйича мутахассисларнинг стационар бўлимидан айри ҳолда ишлашлари учун барча қулайликлар яратилган. Шунингдек, врачлар, ҳамширалар, ҳайдовчиларнинг вақтинча дам олишлари учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўқитувчи ўз маошидан стипендия беряпти

ИЗБОСКАН туманидаги 16-мактабнинг аълочи ўқувчилари ҳар ойда стипендия ола бошладилар. Мактаб директори А. Каримов бошлаган бу хайрли ишга кўплаб ўқитувчилар бош қўшдилар. Мактабда А. Каримов, Т. Аҳмедова, Г. Юсупова, Г. Шокирова, А. Тўрақулов, К. Рашидов сингари ўқитувчилар номидаги стипендиялар жорий этилди. Гап шундаки, бу стипендияларни ўқитувчилар ўз маошлари ҳисобидан тўламоқдалар.

**М. МИРЗААБДУЛЛАЕВ.**

*• Табиат мўъжизалари*

## САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР ГАРОВИ

**Қадим-қадимдан халқимиз сутни «саломатлик, узоқ умр гарови», деб ҳисоблаб келади. Бунинг сабаби, сутда инсон ҳаёти учун ғоят зарур бўлган оқсил, мой, минерал тузлар, витаминларнинг 160 дан зиёди мавжудлигидир.**

Шарқ табобатида бўлгани каби қадимги Миср, Рим ва Греция ҳакимлари ҳам турли касалликларни даволашда сутдан унумли фойдаланганлар. Гиппократнинг эътирофича, эчки ва бия сути силга, сигир сути бод ва камқонликка малҳам ҳисобланади. У асабий кишиларга ҳам сут ичишни тавсия этган. Шулар орасида эчки ва эшак сути ғоят фойдали бўлиб, у истимани туширишда кенг қўлланилган. Юрак-қон томир ва семириш касалликлари билан оғриганлар сут ва сутли парҳез таомлар истеъмол қилишлари мақсадга мувофиқдир. Оғир металл тузлари, кислота ва ишқорлар билан заҳарланган кишиларга кечиктирилмай сут ичирилса, дардлар фориғ бўлишлари тажрибада синаб кўрилган. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино сут кекса ва ёш учун энг яхши озуқа воситаси эканини эътироф этган.

Агар манбаларга суянадиган бўлсак, сутнинг таъсир доирасини қуйидагича таъкидлаш жоиз:

Эчки сути ич кетиш, жигар хасталиклари, шунингдек, ўпка сили касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, ишқорли бўлганлиги боис ошқозони ортиқча кислота ажратадиган кишиларга, экзема (қичима), астма (кўксов) билан оғриганларга ҳам сут ичиш фойдалидир.

Қўй сути даволаш аҳамияти жиҳатидан эчки сутига ўхшашдир. У қон туфлаш, ўпка яраси, сил касалликларидан фориғ бўлишда энг яхши восита. Қўй сути билан оғиз чайиб, ғарғара қилинса томоқ оғриқ, томоқ шиши бодомсимон безларини даволашда яхши самара беради. Бизда энг кўп фойдаланиладигани сигир сутидир. Ҳозир АҚШ, Япония, Олмония каби мамлакатлар олимлари сигир сути таркибини аёл сутига «яқинлаштириш» устида иш олиб бормоқдалар. Бия сути эса нафас қисишини даволашда катта наф беради. Мутахассисларнинг фикрича, кекса кишилар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар истеъмол қиладиган кунлик овқатнинг чорак қисмини сут ва сут маҳсулотлари ташкил қилмоғи керак.

**Сапар МУҲАММАДИЕВ, доцент.**

*• Спорт*

### ЖАҲОН КУБОГИ ҲАМЮРТИМИЗДА

ҚИШКИ Олимпиадада эришган ютуғи билан минглаб мухлислари қалбига солган шуъла ўчмай туриб, Лина Черязова яна жаҳонни лол қолдиргувчи муваффақиятга эришди. «Оқ Олимпиада»дан кейин дарҳол аввал Австрияда, сўнг Швецияда давом эттирилган фристайл бўйича жаҳон кубоги баҳсларида у муддатидан олдин ғалабани қўлга киритди. Жаҳон кубоги иккинчи марта ҳамюртимиз Лина Черязовага тақдим этилди. Ўзбекистон байроғи Лина туфайли яна бир карра, бу сафар Швеция узра ҳилпиради.

**Ҳ. ЭРМУҲАММАД.**

Дам олиш соатида.

### КОМБАЙННИ... НАВОИЙДА ТАЙЕРЛАСА БЎЛАДИ

Ўтган йилнинг августида Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номли жамоа хўжалигида «Рос-2» русумли тиркалувчи ўрим комбайни дастлабки синовдан ўтказилди. Унинг ижодкорлари Тошкент давлат техника дорилфунуни Навоий филиали машинасозлик кафедрасининг мудири Мэлс Валиев бошчилигидаги олимлар эди. Улар кўп йиллардан бери Украинадаги Белая Церков шаҳри машинасозлик заводи инженер ва ихтирочилари билан ўрим техникаларини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Ушбу ҳамкорлик туфайли КПИ-2,4 ва яқиндан бошлаб «Рос-2» комбайнлари яратилди. У 20 тонна хашак ўриш қувватига эга. Ушбу комбайн Украина машинасозлик заводида ишлаб чиқарилмоқда. Уни келтириш, табиийки, бизга анча қимматга тушмоқда. Аммо Мэлс Валиев дейдики, бу русумдаги комбайнни Ўзбекистонда, айнан Навоийда ишлаб чиқарса бўларкан.

**Маҳмуд МАРДИЕВ.**

## ТОШКЕНТДА—«АФРОСИЁБ»

«АФРОСИЁБ» савдо мажмуи мебел ва рўзғор техникаси, заргарлик буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи учта дўкондан иборат. Савдодаги моллар-нинг ҳаммаси хорижники. Уларнинг кўпини жумҳуриятдаги бошқа бирорта дўкоида учратолмайсиз. Масалан, идора (ишхона) мебелининг ўзидан 5 хили бор — «Алекс», «Торино», «Билли», «Темпра», «Зенит». Нархи 2,5 мингдан 2,9 минг долларгача. Дарвоқе, бу ерда фақат АҚШ долларига савдо қилинади.

Яна бир қулайлик шуки — бу дўкондан пул ўтказиш йўли билан ҳам мол харид қилиш мумкин. Доллар ҳисобида ўз счётларига эга бўлган ташкилотлар бу қулайликлардан бемалол фойдаланаверадилар.

Рўзғор ва электрон техника хонасида Япония ва Жанубий Кореянинг дунёга машҳур телевидеоаппаратлари; мусиқа асбоблари ва совутгичларни харид қилиш мумкин. Икки бўлмали «Адмирал» (АҚШ) совутгичи ях ва қировсиз ишлайди. Тўлаган 1.400 долларингизга ачинмайсиз — биттаси бир умрга етади. Сиғими жиҳатидан қарийб иккита «ЗИЛ» ёки «Минск»ка тўғри келади. Масалан, «Вини» совутгичи дастур орқали бошқарилади, нархи — 990 доллар. Умуман, «Супра», «Самсунг», «Нобель» каби дунёга машҳур совутгичларни ҳам фақат шу дўкондан харид қила оласиз. Бу ерда Япония ва Жанубий Қурияда ишлаб чиқарилган кир ювиш машиналари, чанг ютгич ва газ плиталари ҳам бор. Нархи Тошкентдаги бошқа дўконларникидан арзон бўлса арзонки, қиммат эмас.

Озиқ-овқат дўконида колбаса, конфет, печенье, кофе, какао, спиртли ичимликларнинг ҳамма турларидан бор. Фақат доллар бўлса бас.

— Балки биз ҳам ўзимизнинг сўм-купонга савдо қиладиган бўлармиз,—дейди савдо мажмуи директори Манноб Ҳасанов. — буни вақт кўрсатади. Ҳозир эса харидорларимизга шуни маълум қилмоқчиманки, молларимиз тури бундан буён кўпайиб бораверади. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларимиз мустаҳкам, молларнинг кети узилмай келиб турибди. Яна бир янгиликни олдиндан айтиб қўймоқчиман: тахминан уч ойлардан сўнг катта автодўкон ҳам очамиз.

**А. АЛИЕВ.**

### ТАҚДИР ЎЙИНИ

РОСТОВДА қурилаётган янги шаҳарчада экскаватор ҳар бирининг вазни 50 кило бўлган 16 та авибомба, снаряд ва Германиянинг Улуғ Ватан уруши давридан қолган портловчи аслаҳалари билан тўқнашиб кетди. Хайрият, бахтсизлик юз бермади.

Қисматни қарангки, бу портловчи моддалар устида қурилаётган шаҳарча айнан Германиядан олиб чиқиб кетилган Россия ҳарбий хизматчилари учун мўлжалланган эди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Ў. Ғойимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 857. 84742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топширилди 24.00